Электрон рақамли имзо орқали тасдиқланган ҳужжат коди: CQ52457112

Озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш бўйича **CQ52457112**

ШАРТНОМА № 15

Норин тумани 2022 йил 31 январь

Амалдаги Низом асосида иш кўрувчи, кейинчалик «Етказиб берувчи» деб юритилувчи **"Элдор Ботир таъминот" МЧЖ** номидан иш кўрувчи раҳбари **И.Ботиров** бир томондан ва амалдаги Устав асосида иш кўрувчи, кейинчалик «Харидор» деб юритилувчи **Норин туман мактабгача таълим бўлими** номидан иш кўрувчи бюджет ташкилоти раҳбари **Р.Мамажонов** иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

## I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1 Мазкур шартнома бўйича "Етказиб берувчи" "Харидор"га ўзаро келишилган миқдорда ва муддатларда шартноманинг умумий қийматидан ошмаган суммадаги **Товар (иш, хизмат)** етказиб бериш, "Харидор" эса етказиб берилган маҳсулотларини сифатини текшириб, қабул қилиб олиб амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ белгиланган тўлов кетма-кетлигига риоя қилган ҳолда тўловларни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Етказиб берилган **Товар (иш, хизмат)**нинг шартнома тузиш вақтидаги миқдори, нархи ва етказиб бериш муддати шартноманинг 2-бандида келтирилган.

## II. ШАРТНОМАНИ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

| Т/р | Махсулот номи | Ўлчов бирлиги | Микдори | Нарх | Жами | Етказиб бериш муддати |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | тухум | дона | 550 | 950 | 522 500 | 30 кун |
| 2 | мош | кг | 25 | 10 000 | 250 000 | 30 кун |
| 3 | карам | кг | 50 | 5 000 | 250 000 | 30 кун |
| 4 | ош тузи | кг | 14 | 1 500 | 21 000 | 30 кун |
| 5 | шолғом | кг | 150 | 3 000 | 450 000 | 30 кун |
| 6 | макарон | кг | 30 | 7 000 | 210 000 | 30 кун |
| 7 | томат 1 литр | кг | 12 | 18 000 | 216 000 | 30 кун |
| 8 | манная крупа | кг | 20 | 10 000 | 200 000 | 30 кун |
| 9 | кизилча | кг | 70 | 1 100 | 77 000 | 30 кун |
| 10 | ошқовоқ | кг | 50 | 2 500 | 125 000 | 30 кун |
| 11 | чеснок | кг | 10 | 30 000 | 300 000 | 30 кун |
| | **ЖАМИ** | | | | **2 621 500** | |

2.1 Мазкур шартноманинг баҳоси 2 621 500 (икки миллион олти юз йигирма бир минг беш юз) сўмни ташкил қилади.

2.2 "Харидор"олинадиган маҳсулотлар учун амалдаги қонунчиликда кўрсатилган миқдордан кам бўлмаган, яъни 30 фоиз аванс тўловини олдиндан "Етказиб берувчи" ҳисоб-китоб рақамига ўтказиб беради.

2.3 "Етказиб берувчи" тегишли даврда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ белгиланган миқдорда ва аванс тўловидан сўнг 30 кун муддатда маҳсулотларни "Харидор"га етказиб беради.

2.4. "Харидор" тақдим этилган ҳужжатларга асосан 90 кундан ортиқ бўлмаган муддатларда узил-кесил ҳисоб-китоб қилади.

2.5. Етказиб берилган маҳсулотлар учун пул ўтказиш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

## III. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1 "Харидор"нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

"Етказиб берувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Олинадиган маҳсулотлари "Харидор"га транспортда ташилганда "Етказиб берувчи"дан транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;

"Етказиб берувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган буюртманомага мувофиқ тегишли сифат, ассортиментдаги маҳсулотлари етказиб берилишини талаб қилиш;

- мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини "Етказиб берувчи"дан талаб қилиш.
- ўз буюртманомаси бўйича етказиб берилган маҳсулотларини мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

3.2 "Етказиб берувчи" қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга:.

- етказиб берилган маҳсулотлари учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб-китоб қилинишини "Харидор"дан талаб қилиш;

-"Харидор"га **Товар (иш, хизмат)**ини мазкур шартномага мувофиқ "Харидор" буюртманомасига мувофиқ сифатли миқдорда муддатида етказиб бериш.

## IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1 Мазкур шартнома қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2 Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартирилишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3"Харидор" муддатлар бузилган ҳолда етказиб берилган **Товар (иш, хизмат)** ини қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.4 "Харидор" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд **Товар (иш, хизмат)**ининг тегишли туркумларини етказиб бериш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Етказиб берувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 3 кун олдин хабардор қилади.

## V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1 **Товар (иш, хизмат)**ини етказиб бериш кечиктирилган ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда "Етказиб берувчи" "Харидор"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0.5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган озиқ-овқат маҳсулотлари қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ етказиб берилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

5.2 Етказиб берилган **Товар (иш, хизмат)**и учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Харидор" "Етказиб берувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0.4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бу, кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.3 Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

## VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1 Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда томонлар қоидага кўра мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўради.

6.2 Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

## VII.ФОРС-МАЖОР

7.1 Форс-мажор ҳолати, жумладан ер қимирлаши, сел келиши каби табиий офатлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан янги қонун ва қарорларни қабул қилиниши натижасида келиб чиқадиган ҳолатларда тарафлар мазкур шартнома келишувлар шартларини бажариш масъулиятини ўз зиммасига олмайди.

## VIII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

8.1 Мазкур шартнома Харидор ва Етказиб берувчи томонидан тасдиқланиб ҳамда Ғазначилик бўлинмаси рўйхатидан ўтгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31-декабргача амал қилади.

8.2 Томонлар ўртасида муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

## IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

9.1 Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

9.2 Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан ҳақиқий ҳисобланади.

9.3 Мазкур шартнома уч нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

## X. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

**“ХАРИДОР”**
**Норин туман мактабгача таълим бўлими**
Манзил: Ҳаққулобод шаҳри Ўзбекистон кўчаси 74 уй
Х/р: 400722860142167091100251052
ИНН: 305153146
Ғазначилик бўлинмаси: Ўзбекистон Республикаси
Молия Вазирлиги Ғазначилиги
Ғазна х/р: 23402000300100001010
Банк: ХККМ Марказий банк
МФО: 00014 ИНН: 201122919

Раҳбар: Р.Мамажонов

Имзо ___________

**“ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ”**
**“Элдор Ботир таъминот” МЧЖ**
Манзил: Ҳаққулобод шаҳри
Х/р: 20208000605340694001
Банк: Халқ банки
МФО: 00722 ИНН: 308152873
ОКОНХ 71280
Раҳбар: Ш.Ботиров
Имзо

Электрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, ҳужжат коди: MV8104176238

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

№CQ52457112

1. Loyihaning turi. Shartnoma

2. Loyihaning nomi.
   Oziq-ovqat mahsulotlari sotib olish to'g'risida.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot.

Shartnoma loyihasi Norin tuman maktabgacha ta`lim bo`limi tomonidan ishlab chiqilgan va markazga huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun 28.01.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz boshlig`i O.Bekmirzayev

2022 yil 31 yanvar

3908398

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

# GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"ELDOR BOTIR TA'MINOT" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"ELDOR BOTIR TA'MINOT" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

03.02.2021 (Sana, oy (so'z bilan), yil) 945903 ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 308152873

Tashkiliy-huquqiy shakli: Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi: Namangan viloyati, Norin tumani, Xaqqulobod, QUYUTEPA MFY,

Guvohnoma: Namangan viloyati, Norin tumani, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi)

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ МИЛЛИЙ ТИЗИМИ

НАМАНГАН ССМ ДК СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ ИДОРАСИ UZ.AMT.06.MAI.313

Наманган вилоят Наманган шахар Поляро кўчаси-9. Тел: (0-369) 228-84-25

№ 2305101

# МУВОФИҚЛИК СЕРТИФИКАТИ

" 13 " Август 20 19 йилдан

UZ.SMT.01.347.2476016 сон билан

Давлат реестрида рўйхатга олинган

Амал қилиш муддати

" 13 " Август 20 22 йилгача

ТИФ ЖН коди

«Po'latboy Sobirxon Jobirxon» фермер хўжалиги, Ўзбекистон Республикаси

Ушбу сертификат тасдиклайдики, тегишлича идентификацияланган махсулот

БИРИНЧИ ВА ИККИНЧИ ТОИФАЛИ ОШХОНА НАВЛИ ТОВУК ТУХУМИ МАХСУЛОТИ

30 (Ўттиз) донадан картон флейка трга жойланган

Серияли ишлаб чиқариш учун.

O'z DSt 626 2014, 5.2.2, 1-жадвал, 5.2.4, 2-жадвал, 5.2.6, 5.2.10 бандлари. СанКМ 0283-2010, 1.1.15, 1.1.152 меъёрий хужжат талабларига мувофиқлиги

Сертификатлаштириш схемаси 4 /Бўртинчи/

Буюртмачи (тайёрловчи, сотувчи) «Po'latboy Sobirxon Jobirxon» фермер хўжалиги

Ўзбекистон Республикаси Наманган вилояти Мингбулоқ тумани Пахтакор МФЙ

Сертификатга асос бўлган

Ариза № 05/1254-сонли 13.08.2019 йилдан.

Наманган вилоят ДСЭНМ томонидан берилган 29.07.2019 йилдаги №210167-сонли санитария-эпидемиологик хулоса, Амал қилиш муддати 29.07.2022 йилгача.

UZ.AMT.07.MAI.013. Наманган ССМ ДК аккредитланган физик-кимёвий синов лабораторияси Синов баённомалари №12805 ва №12806-сонли 12.08.2019 йилдан. UZ.AMT.07.MAI.020 ... Синов баённомалари №596-597-сонли 29.07.2019 йилдан, №102-103-сонли 27.07.2019 йилдан

... дастлабки текширув далолатномаси 13.08.2019 йилдаги 05/214-сонли далолатнома.

Инспекцион назорати Наманган ССМ ДК томонидан

бир йилда бир маротаба даврийлик билан амалга оширади

Қўшимча ёзувлар Ишлаб чиқарилаётган махсулотлар технологик жараёни ва меъёрий хужжат талабларига мос келгандигина мувофиқлик сертификати хақиқий хисобланади.

Мувофиқлик белгиси қўйилади;

Мувофиқлик белгиси махсулот ёрлиғига ва юк кузатув хужжатларига қўйиб борилади.

Мувофиқлик сертификатининг нусхаси фақат сертификатлаштириш идораси ёки асл нусха эгаси томонидан муҳр билан тасдиқлангандан сўнг ҳақиқийдир.

Сертификатлаштириш идораси рахбари А. Султанов

Эксперт Ж.Нуриддинов